**Андижон вилоят автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси билан Бўстон ТЙФУК ўртасида махаллий аҳамиятдаги автомобил йўлларини 2022 йилда қишки қаров ишлари бўйича тузилган**

# Ш А Р Т Н О М А № 30

Андижон шаҳри 2022 йил 29 январь

Кейинги ўринларда ***"Буюртмачи"*** деб юритиладиган Андижон вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошкармаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи бошлиғи Т. Қараев бир томондан, матнда кейинги ўринларда ***"Пудратчи"*** деб юритиладиган Бўстон ТЙФУК Низоми асосида иш кўрувчи директори А.Ахунов иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида"ги Қонун талабларидан келиб чикиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги 295-сонли "ЎзР Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси Низомини тасдиклаш тўғрисида"ги карорнинг 3-боб, 13-бўлим, 15-хатбошисига асосан, 2019 йил 9 декабрь кунги ПҚ-4545-сонли карорнинг 1-иловасига асосан, ҳамда 2017 йил 14 февраль кунги ПК-2776-сонли карорларга асосан, Бўстон тумани худудидан ўтувчи умумий фойдаланишдаги махаллий ахамиятдаги автомобиль йўлларини кишки қаров ишлари бўйича ушбу шартномани туздилар.

## I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. ***"Пудратчи"*** ушбу шартнома шартларига мувофик Бўстон тумани худудидан ўтувчи махаллий аҳамиятдаги автомобил йўлларида кишки каров ишларини шартноманинг ажралмас кисми хисобланган иловага асосан бажариш мажбуриятини олади. ***"Буюртмачи"*** эса ***"Пудратчи"***га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий хужжатлар ва ташкилот меъёрлари асосида тузилган лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган маблағ тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар киймати (барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда 2022 йилда *17 763 000 (Ўн етти миллион етти юз олтмиш уч минг)* сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар киймати узил кесил хисобланиб, факатгина ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор холатлари сабаб бўлганида кайта кўриб чикилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ғазначилик тизимидан электрон тартибда рўйҳатдан ўтиб, жамғарма хисоб рақамида маблағ мавжудлигини ҳисобга олиб жорий ойнинг 10 санасига кадар *"Буюртмачи"* томонидан бажариладиган ойлик иш хажмининг 40% микдорида олдиндан аванс тарикасида *"Пудратчи"*нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. ***"Буюртмачи"*** томонидан ойлик иш хажмлари режасига асосан "Пудратчи" томонидан такдим килинган бажарилган ишлар киймати тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида "Пудратчи"нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.5. ***"Буюртмачи"*** охирги тўловни ***"Пудратчи"*** томонидан иш тўлик бажариб топширилиб, қабул килиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар кийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунидан кечикмаган муддатда бирок 2022 йилнинг 31 декабрига кадар ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар ***"Буюртмачи"*** томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. *"Пудратчи"*нинг мажбуриятлари

Мазкур шартномада илова килинадиган бажариладиган ишлар маълумотномасига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни ой якунига кадар бажариб топширади.

Барча ишларни тасдикланган смета хужжатларига мувофик, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш хамда ***"Буюртмачи"***га мазкур шартнома шартларига мувофик топширади.

3.2. *"Пудратчи"*нинг хукуклари

Бажариб берилган иш учун олинадиган аванс ҳак тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла хажмда хисоб китоб килинишини талаб килиш;

Бажариб берилган ишни кабул килиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни копланишини талаб қилиш;

3.3. *"Буюртмачи"*нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни Автомобиль йўллари кўмитасининг 2003 йил 15 октябрдаги 198-сонли буйруғи асосида "Автомобил йўлларини куриш ва таъмирлаш ишларини қабул килиш коидалари" МШН-19-2004 ва бошқа меъёрий хужжатлар талаблари даражасида қабул килиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. *"Буюртмачи"*нинг хукуклари

*"Пудратчи"*дан бажариладиган кишки каров ишларини амалдаги давлат стандартлари ва бошка меъёрий хужжатлар асосида бажарилишини таъминлашни талаб килиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошка шахс томонидан тўғриланиши харажатларини копланишини талаб килиш;

*"Пудратчи"*дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиҳа хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган холда қабул килиб олиш;

*“Пудратчи”* томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш хужжатларига мувофиклигини назорат килиш;

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. *“Пудратчи”* объектни ўз вактида топширмаганлиги учун *“Буюртмачи”*га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и микдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аникланган камчилик ва нуксонлар *“Пудратчи”* томонидан ўз вактида бартараф килинмаса *“Буюртмачи”* тўловларни тўхтатиб, лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20%и микдорида жарима ундирилишини талаб қилиш ҳукукига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун *“Буюртмачи”* томонидан ўз вактида ҳак тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и микдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и микдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик окибатида етказган зарарларни коплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 моддлари асосида белгиланади.

## V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки кисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва бу холатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

## VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофик ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун хужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди оркали хал этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Ғазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал килади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам хукукий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

**“ПУДРАТЧИ”**
Бўстон ТЙФУК
(иш бажариб берувчининг номи)
Манзили: Бўстон тумани Ипак йўли кўчаси 58-уй
Тел./факс: 333-19-70
х/в 22626000900279247002
Банк номи: “Ипотекабанк” Истиклол бўлими
МФО: 00068 ИНН: 200263672
ОКОНХ: 42110

**“БУЮРТМАЧИ”**
Андижон вилоят АЙХББ
(бюджетдан маблаг олувчининг номи
Манзил:Андижон ш. А.Йўлдашев кўча 30
Тел./факс 224-10-07 226-88-90
ш/х* 30451086003401704517311800
СТИР: 200230895 ОКОНХ: 84112
Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўз Р Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Ғазна х/в: 23402000300100001010
Банкнинг номи: МБББ ХККМ
МФО: 00014
Ғазначилик бўлинмаси СТИР 201122919

**Директор:** **А.Ахунов**
М.Ў

**Бошлиқ:** **Т. Қараев**
М.Ў

Ҳуқуқшунос маслаҳатчи: ____________ **А.Мамажонов**

Андижон вилоят АЙХББ билан Бўстон ТЙФУК ўртасида тузилган
умумий суммаси 17763000 сўмлик № 30 сонли шартномага илова

## Бўстон ТЙФУК томонидан 2022 йил 1-чоракда бажариладиган қишки қаров ишлари қиймати ва ишларни бажариш жадвали

| № | Йул раками | Йулнинг номи | Йулнинг узунлиги км | жами 2022 йил 1-чорак режаси | 2022 йил 1- чорак | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | жами | ойлар | |
| | | | | | | январ | феврал |
| 1 | 2 | 3 | 5 | | | | |
| | | Махаллий ахамиятидаги йуллар | | | | | |
| 1 | 4К115 | "Сарой қ.-Дориломон қ." автомобиль йўли | 6 | 951,0 | 951,0 | 571,0 | 380,00 |
| 2 | 4К115а | "Сутчилик фермасига кириш" автомобиль йўли | 1 | 159,0 | 159,0 | 95,0 | 64,0 |
| 3 | 4К118 | "А373автойўли(323км)-Ахмадобод қ.-Шўртепа қ." автомобиль йўли | 16 | 2537,0 | 2537,0 | 1522,0 | 1015,0 |
| 4 | 4К118 а | "Бобур қишлоғига" автомобиль йўли | 6 | 952,0 | 952,0 | 571,0 | 381,0 |
| 5 | 4К119 | "А373 автойўли(325км)-Қозиқўрғон қ.-Бўз қ.-Шодмонов қ." автомобиль йўли | 19 | 3012,0 | 3012,0 | 1807,0 | 1205,0 |
| 6 | 4К119 а | " Бобур қишлоғига" автомобиль йўли | 2 | 317,0 | 317,0 | 190,0 | 127,0 |
| 7 | 4К120 | "А373 автойўли(321км)-Штаб қ.-Околтин қ.-Ўрмон қ." автомобиль йўли | 23 | 3649,0 | 3649,0 | 2190,0 | 1459,0 |
| 8 | 4К 120а | "ДМК га" автомобиль йўли | 2 | 317,0 | 317,0 | 190,0 | 127,0 |
| 9 | 4К121 | "А373 автойўли (330 км) — Холдевонбек қ. — Қорасув қ. — Бешгул қ."автомобиль йўли | 14 | 2220,0 | 2220,0 | 1332,0 | 888,0 |
| 10 | 4К122а | "Штаб қишлоғига(319кмА373) шохобча" автомобиль йўли | 6 | 952,0 | 952,0 | 571,0 | 381,0 |
| 11 | 4Н1108 | " А373 автойўли (326 км) — Қорасув қ. — Солимахсум қ. — Бўз ш" автомобиль йўли | 11 | 1744,0 | 1744,0 | 1046,0 | 698,0 |
| 12 | 4Н1116 | " А373 автойўли (326 км) — Қорасув қ. — Солимахсум қ. — Бўз ш" автомобиль йўли | 1 | 159,0 | 159,0 | 95,0 | 64,0 |
| 13 | 4Н1127 | " Ўрмон қ. — Солимахсум қ. — Холдивон қ." автомобиль йўли | 4 | 635,0 | 635,0 | 380,0 | 255,0 |
| 14 | 4Н1127а | " Солимахсум қишлоғига" автомобиль йўли | 1 | 159,0 | 159,0 | 95,0 | 64,0 |
| | | Жами | 112 | 17763,0 | 17763,0 | 10655,00 | 7108,00 |

"П У Д Р А Т Ч И"
Бўстон ТЙФУК директори
А.Ахунов.

"Б У Ю Р Т М А Ч И"
Андижон вилоят АЙХББ бошлиғи
Қараев